

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**

Касб таълими факультети

КТА-491 гуруҳ талабаси Дилмуродова Маҳлиёнинг

**Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва
менежмент
фанидан тайёрлаган**

РЕФЕРАТИ

**Мавзу: Қишлоқ хўжалигида экинларни алмашлаб экишнинг
иқтисодий самарадорлиги.**

Қарши-2013

**Мавзу: Қишлоқ хўжалигида экинларни алмашлаб экишнинг
иқтисодий самарадорлиги.**

РЕЖА:

Кириш

1. Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларнинг миқдори, сифати ва аҳамияти.
2. Қишлоқ хўжалигида шаклланаётган ер муносабатлари.
3. Алмашлаб экишда тупроқ унумдорлигини ошириш ва иқтисодий баҳо бериш.
4. Алмашлаб экишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш масаласи суғориладиган ерларнинг ва унумдорлигини ошириш бўйича ўта муҳим вазифани ҳал этиш билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда”¹.

Қишлоқ хўжалигининг асосий масаласи, бу – қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни барқарор ишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириб бориш асосида мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга, саноатнинг эса хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Бугунги кунда аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг йиллик истеъмоли 55-70 фоизини ташкил қилмоқда. Чакана савдода озиқ овқат маҳсулотлари импорти салмоғи 40 фоиздан зиёд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалардан бири бўлмиш аҳолимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айтиш мумкин шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини ҳеч унутмаслигимиз даркор”².

Бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш асосида деҳқон меҳнатининг нуфузини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қондириш, мамлакатимиз қишлоқ жойларида аҳоли учун қулай иш ва турмуш шарт-шароитларини яратиш муаммоларини ҳал этиш бугунги куннинг энг муҳим илмий масалаларидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви шароитида қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида қабул қилинган. Ушбу вазифани амалга ошириш учун энг аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга талаб даражасида хизмат кўрсатиш ва уларнинг эҳтиёжлари тўлиқ қондирилиши учун илмий асосланган инфратузилмани яратиш талаб этилади.

Аграр ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг бозор шаклларига ўтилди ва мустақил товар ишлаб чиқарувчиларнинг салмоғи ошди. Қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий соғломлаштириш, давлат бюджети субсидиялари орқали кредит тизимидан фойдаланиш, ҳосилни суғурталаш ва бошқа бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, қишлоқ хўжалигининг барқарор ва жадал ривожи ҳозирча таъминлангани йўқ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида инновация, замонавий техника ва технологиялар ҳамда хўжалик юритишнинг янгича шаклларида фойдаланиш орқали ушбу

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. “Туркистон” 2011 йил 22-январ.

² Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тракқиётимизнинг муҳим омилдир. “Туркистон” 2010 йил 8-декабрь.

муаммони ҳал этиш мумкин.

1. Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларнинг миқдори, сифати ва аҳамияти.

Ўсимликчилик – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, ўз ичига далачиликда экинларни етиштириш пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, мевачилик, боғдорчилик ва шу кабиларни олади. Одам ундан озиқ-овқат маҳсулотларини, енгил ва озиқ-овқат саноати қайта ишлаш учун хом ашё, чорвачилик – озуқа олади.

Тармоқ тузилмасининг кўрсаткичи бўлиб умумий ҳажмда ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг ҳар бир тармоғидан сотилган маҳсулотнинг улуши хизмат қилади. Ҳозирги пайтда ўсимликчилик қишлоқ хўжалигининг ҳамма маҳсулотлари орасида энг кўп улушни эгаллайди.

Ўсимликчилик ем-ҳашак, дағал, яшил, ширали озуқа бўлиб, чорвачиликнинг ривожланиши учун база ҳисобланади. Ўз навбатида чорвачилик ҳам сомон, поя, шунингдек, озиқ-овқат саноати чиқиндилари (кунжара, шелуха, кепак, барда ва б.) каби қўшимча маҳсулотларни чиқаради.

Ўсимликчиликда фойдаланиладиган асосий ресурс – бу ер, пичанзор, яйлов, боғлар). Ҳайдаладиган ер майдонини экинлар бўйича тақсимлаш узоқ вақтларгача қабул қилинган деҳқончилик тизимига боғлиқ бўлди. Хўжаликлар даромадлироқ экинларни танлай бошладилар ва экин экиладиган, ер майдони структураси нарх таъсири остида ўзгара бошлади.

Шу тарзда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳамма турини, чорвачиликни ва қайта ишлашни ҳам қўшиб ишлаб чиқиш, бевосита ўсимликчиликни шартли равишда қуйидаги тармоқларга ажратиш мумкин: пахта ишлаб чиқариш, ғалла ишлаб чиқариш, ёғли экинлар ишлаб чиқариш, картошка ва сабзавот ишлаб чиқариш, мева ва полизлар ўстириш. Бу тармоқларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилиш технологияси ҳар бири ўзига хослиги билан фарқланади.

Ушбу шароитда энг рентабелли бўладиган қишлоқ хўжалиги экинларини танлашда табиий-иқлим омиллари, транспорт тармоқларининг ривожланиши, минтақада у ёки бу маҳсулотларни қайта ишлашга мўлжалланган қайта ишлаш корхоналарининг мавжудлиги катта таъсир ўтказади.

Барча ғалла маҳсулотларини озиқ-овқат ва ем-ҳашакка ажратиш қабул қилинган. Шу билан бирга, озиқ-овқатга оид экинлар таркибидан нон ва нон маҳсулотларига доирлари ажратилади.

Умуман, асосий қишлоқ хўжалиги экинлари санаб ўтилган гуруҳлар бўйича қуйидаги тарзда классификацияланади:

- пахта-пахта хом ашёси;
- озиқ-овқат – нон маҳсулотлари олинадиган ғалла экинлари, буғдой, жавдар;
- озиқ-овқат – крупа-ғалла экинлари: тарик, гречиха, маккажўхори, шоли;
- ем-ҳашак экинлари;
- дуккакли экинлар;
- ёғли экинлар: кунгабоқар, каноп, зиғир;

- техника экинлари: картошка, қанд лавлаги;
- сабзавотлар: помидор, бодринг, пиёз, саримсоқ пиёз, карам, сабзи;
- мевалар: данакли мевалар, pista мевалар, узум ва бошқа экинлар.

Келтирилган рўйхат мамлакатимиз ҳудудида ўстириладиган ҳамма экинларни камраб ололмайди. Рўйхатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида энг кўп улушига эга бўлганлари, холос.

Ўсимликчиликда ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси – ер. Ундан тўғри фойдаланиш тупроқ унумдорлигининг ошишига ёрдам беради, бу эса қишлоқ хўжалиги экинларини ўстиришга самарали таъсир қилади. Ердан фойдаланишда хўжалик юритишнинг ҳудудий тизимини юритишнинг ҳисоби катта аҳамиятга эга.

Дехқончилик тизими деганда тупроқ унумдорлигини оширишга, ўсимликчилик маҳсулотларининг ер майдони, бирлигидан меҳнат сарфини ва маҳсулот бирлигига маблағ ва меҳнат сарфларини камайтириб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ҳимоялашга йўналтирилган ташкилий ва агротехник тадбирлар комплекси тушунилади.

Дехқончилик тизимининг асосий элементлари: алмашлаб экиш тизимлари, машиналар тизими, ўғитлар тизими, уруғчилик тизими, ўсимликларни ҳимоя қилиш тизими, мелиорация тадбирлари тизими (суғориш, қуритиш, кимёвий мелиорация ва бошқалар), сув ва шамол эрозиясига қарши кураш бўйича тадбирлар тизими, далани ҳимоялаш, ихота дарахтларини яратиш.

Мамлакатнинг ҳамма минтақаларида деҳқончиликнинг ягона тизимидан фойдаланишнинг имкони йўқ, чунки турлича тупроқ-иқлим шароитларида тизимидаги алоҳида элементларнинг аҳамияти ҳар хил бўлади.

Қуруқ иқлимли туманларда – суғориш, шамол эрозиясига қарши курашиш, намлик кўп туманларда – ернинг мелиорация ҳолатини яхшилаш, суғориладиган деҳқончилик туманларида – ўғитлардан оқилонга фойдаланиш, шўрланган ва кислотаси юқори тупроқларда – кимёвий мелиорация катта аҳамиятга эга.

Дехқончилик тизимининг асосини алмашлаб экиш тизими – дала, ўтлоқ- беда, маккажўхори, сабзавот, тупроқни ҳимоя қилувчи ва бошқа экинларни алмашлаб экиш ташкил этади. Илмий асосланган алмашлаб экишлар – тупроққа ишлов беришнинг тавсия этилган тизимини жорий этиш учун шароит яратади, унинг сув- ҳаво тизимини яхшилади, юқори самарали техникадан, органик ва минерал ўғитлардан фойдаланишга имкон беради.

Унумдор тупроққа механизациялаш (машиналар тизими) улкан таъсир этади. Машиналардан оқилонга фойдаланиш тупроқда намлик йиғилишига, ҳаво ва иссиқлик тартиби тўғриланишига, даланинг ифлосланишига қарши курашга, қишлоқ хўжалиги ишларини оптимал муддатларда ўтказишга ёрдам беради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш ўсимликчиликда меҳнат унумдорлигини оширади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига техник хизмат кўрсатиш, ҳамма турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун маълум мақсадларни кўзда тутадиган минтақавий дастурлар ишлаб чиқилади.

Дехқончилик тизими минерал ва органик ўғитларни қўллашни кўзда тутати. Киритилладиган ўғитлар дозаси кўпайтирилган суғориладиган ерларда ўғитни

юқори даражада қоплаш кузатилади. Қисқа муддатларда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш имкони бўлган интенсив технологияларда ишлаб чиқариш харажатлари структурасида ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг улуши ортиши (масалан, пахта ва ғалла экинлари бўйича 1,5 дан 3,5 мартагача) кўзда тутилади.

Ҳозирги пайтда ўғитлар қиймати юқорилилиги билан боғлиқ ҳолда уларнинг қопланиши нормативдан 60% ни ташкил этади, шу боис муҳим масала оптимал усуллар ва уларни киритиш муддатлари, озуқа элементлари нисбати тўғрилиги муҳим масала ҳисобланади.

Ўғитлашнинг пасайиши тупроқдан озуқа моддалар тўлиқ чиқмаслигига сабаб бўлади. Тупроқда чиринди ва озуқа моддаларининг дефицитсиз балансини яратиш учун 1 га шудгорланадиган экин майдонига ҳар йили 7-8 т органик модда зарур. Дехқончилик тизимида уруғчилик тизими катта рол ўйнайди, чунки уруғнинг сифати паст бўлса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сезиларли даражада тўлиқ бўлмайди. Мамлакатимизда у ёки бу тупроқ иқлимига мослаштирилган минглаб нав ва гибридлар яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган. Бироқ, уруғчиликнинг яхши ташкил этилмаганлиги, уруғчилик хўжаликлари биринчи ва иккинчи репродукциядаги яхши уруғлар билан таъминланмаганлиги туфайли районлаштирилган сифатли уруғларга талаб тўлиқ қондирилмаётир.

2. Қишлоқ хўжалигида шаклланаётган ер муносабатлари.

Мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашнинг муҳим резерви қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хом ашё ва озиқ-овқатнинг минтақавий фондларини яратишдир. Ўсимликчилик маҳсулотларини харид ва етказиб бериш ҳажми ва рўйхати ҳукумат томонидан, минтақавий фондлар – Ўзбекистон Республикаси субъектлари ижроия ҳокимияти субъектлари томонидан белгиланади. Харид ва етказиб бериш ҳажми йиллик аниқлаштириш билан беш йилга белгиланади ва давлат томонидан кафолатланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган туб иқтисодий ислохотлар ғалладан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий омили бўлмоқда.

Республикаимизнинг 2009 йилги ғаллачилик соҳасида олиб борган ишларнинг якуини таҳлил қиладиган бўлсак, мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам ҳосилдорлик ҳар йилгидан юқори бўлганлиги деҳқонларимизнинг самарали маҳнатлари натижаси ҳисобланади. Республикаимизда ўтган йилда ғалла ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 45,4 центнерни, сувли ерларда эса 51,2 центнерни ташкил этди. Ялпи етиштирилган дон ҳосили 6 млн 650 минг тоннани ташкил этди. Бу муҳтарам юртбошимиз И.А.Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ, аҳолимизни дон ва дон маҳсулотлари билан таъминлаш, ўз донимиз ва ўз нонимизга эга бўлишимиз, бунинг учун ғалла мустақиллигига эришишимиз кераклиги тўғрисида оқилона йўл ўриқлари, кўрсатмаларини нақадар тўғри эканлигини исботидир.

Бугунги кунда Республикаимиз ғалла етиштириш ва ҳосилдорлиги бўйича ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олди.

Ғалла дунёдаги барча инсонларнинг асосий озиқ-овқати ҳисобланишини ҳаммамиз яхши биламиз. Дунёда 220 млн гектардан ортиқроқ майдонда ғалла экилади. Ялпи дон ҳосили эса 650 млн тоннани ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал

Дунёнинг айрим мамлакатларида ғалла етиштириш

Т.р.	Мамлакатлар	Экин майдони, минг га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи ҳосил, млн тонна
1	Бельгия	213	78,0	1,660
2	Франция	5206	73,0	38,139
3	Германия	2794	73,0	20,479
4	Нидерландия	127	81,0	1,025
5	Англия	1993	79,0	15,68
6	АҚШ	23400	29,0	67,860
7	Хитой	28426	38,0	107,659
8	Ҳиндистон	26945	26,0	72,458
9	Мексика	719	45,0	3,202
10	Канада	1060	24,0	25,929
11	Россия	21300	30,0	65,100
12	Украина	5575	23	15,900

13	Козоғистон	9304	0,9	11,500
14	Туркменистон	508	29,0	1,484
15	Қирғизистон	463	24,0	1,117
16	Тожикистон	330	11,0	365
	Жами Дунё бўйича	220258	30,2	650,727

Республика Президентининг 2008 йил 6 октябрида №3077 сонли “Фермер хўжаликлари тасаруффидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида махсус комиссияни ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилинди. Фермер хўжаликлари ер участкаларини мақбуллаштириш жараёни билан мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам асос яратилди. Бугунги кунда республикада фермер хўжаликларнинг ишлаб чиқаришидаги салмоғини кўрадиган бўлсак кўйидаги жадвалда акс эттирилган. Жадвал маълумотларига кўра, фермер хўжаликларини республика ва Қашқадарё вилоятидаги фаолиятини таққослама таҳлилида, уларни қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотидagi улуши, экин майдонидаги улуши, пахта ва ғалла етиштиришдаги улуши республика даражасидан юқори бўлган.

Қашқадарё вилоятда фермер хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик экин майдондаги улуши 2006 йилда 79,2 фоиздан, 2010 йилда 86,3 фоизга ошишига, пахта етиштиришдаги улуши 2006 йилда 95,5 фоиздан, 2010 йилда 100 фоизга ошишга, ғалла ишлаб чиқаришдаги улуши эса 2006 йилда 83,5 фоиздан, 2010 йилда 88,8 фоизга ошишига олиб келмоқда (1-жадвал). Бу эса, Қашқадарёда фермер хўжаликлари барқарор ривожланаётганлигидан далолат беради.

Таҳлил натижаларидан кўриниб турубдики, республикада фермерлик ҳаракатининг қўллаб-қувватланиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Республикада мустақиллигининг дастлабки йилларида жаҳон қишлоқ хўжалик тажрибасида синалган ва ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида самарали хўжалик юритиш шакли сифатида ўзини оқлаган фермер хўжалигининг фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

2-жадвал

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги салмоғи ҳақида маълумот (фоиз ҳисобида)³

	Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотдаги улуши	Қишлоқ хўжалик экин майдонидаги улуши	Пахта етиштириш- даги улуши	Ғалла етиштириш- даги улуши
	Йиллар	Йиллар	Йиллар	Йиллар

³ Манба: Ўзбекистон Республика Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

2	Қашқадарё	43,6	40,9	38,8	40,6	41,3	79,2	83,9	88,3	86,3	86,3	95,5	99,1	99,8	100	100	83,5	85,3	85,9	86,8	88,8
1	Республика бўйича	32,3	34,7	32,5	34,5	35,0	74,7	84,3	84,4	84,6	86,8	86,3	98,4	99,1	99,2	99,4	72,8	81,6	82,4	81,4	81,5
		2006	2007	2008	2009	2010	2006	2007	2008	2009	2010	2006	2007	2008	2009	2010	2006	2007	2008	2009	2010

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши доирасида кўрилган ташкилий чоралар ва амалга оширилган тадбирлар натижасида 2008 йилнинг 1 октябрга қадар мамлакатимизда фаолият юритаётган 219976 та фермер хўжалиги ер участкалари мақбуллаштирилиб, 2009 йил 1 ноябрга қадар уларнинг умумий сони 105033 тани, 2010 йилда уларнинг сони 80628 ташкил қилди ва фермер хўжаликларига жами 5031187,2 гектар ер майдони бириктириб берилди ёки бунда битта фермер хўжалигига ўрта ҳисобда илгариги 2008 йилда 27,0 гектар, 2009 йилда 56,0 гектар, 2010 йилда 62,4 гектар ер майдони тўғри келмоқда. Шундан пахтачилик ва ғаллачилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 41827 та бўлиб, уларга 3534381,5 гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртача 84,5 гектар ер майдони тўғри келмоқда, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 4036 та бўлиб, уларга 77087,6 гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртача 19,1 гектар ер майдони тўғри келмоқда, боғдорчик ва узумчилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 22159 та бўлиб, уларга 210510,5 гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртача 9,5 гектар ер майдони тўғри келмоқда, чорвачилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 6099 та бўлиб, уларга 989257,8 гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртача 162,2 гектар ер майдони тўғри келмоқда, бошқа йўналишга ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 6597 та бўлиб, уларга 82462,5 гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртача 12,5 гектар ер майдони тўғри келмоқда ва узоқ муддатга ижарага берилди. Бундай натижаларга навларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бир минтақанинг табиий-иқлим шароитига мос навларни тўғри танлаш ва жойлаштириш гектаридан 60-70 центнердан ҳосил етиштириш бўйича аниқ агротехник тавсиялар ва илмий асосланган интенсив технологияларнинг ишлаб чиқилганлиги ва кенг жорий этилаётганлиги ҳисобига эришилмоқда.

Селекция ва уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш мақсадида хорижий илмий муассасалардан 100 дан ортиқ янги бўғдой навлари келтирилиб, улар маҳаллий шароитимизда ҳар тамонлама синовдан ўтказилиб, серҳосил, юқори сифатли, касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлган 23 та янги навлари ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бу навлар ичида Крошка, Половчанка, Краснодарская-99, Кума, Москвич, Таня, Есаул, Фортуна, Восторг, Память, Селянка каби интенсив навлар ишлаб чиқариш шароитида ҳар гектаридан 60-70 центнердан ошириб ҳосил бермоқда.

Мамлакатимиз олимлари томонидан қурғокчиликка ва шўрга чидамли ҳосилдорлиги юқори Чиллаки, Бобур, Андижон-1, Андижон-2, Андижон-4 Ўзбекистон-1, Ҳосилдор, Замин-1, Дўстлик, Омад, Маконат, Аср каби маҳаллий буғдой навлари яратилиб Давлат нав синовига берилди. Келгусида ҳар бир минтақа шароити учун мос янги навлар яратиш бўйича илмий ишлар жадал олиб борилмоқда. Бунинг учун Россиянинг Саратов Юго-Востока, Сербиянинг Новий сад илмий тадқиқот институтлари, ИКАРДА, СИММИТ Халқаро илмий марказлар билан ҳамкорликда шу минтақага хос бўлган янги навлар яратиш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Бироқ айрим вилоят, туман ҳамда фермер хўжаликларида бошоқли дон экинларини ўстиришда агротехник тадбирларини бажаришнинг технологик талабларига риоя қилинмаганлиги натижасида дондан юқори ва сифатли ҳосил олинмаяпти.

Бунинг асосий сабаби бошоқли дон экинларини етиштириш технологиясидаги агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказмаслигидир.

Айниқса тупроқ унумдорлигига аҳамият бермаслик, ерни экишга сифатли тайёрланмаслиги, органик ва маъдан ўғитлар етарли миқдорда ва тўғри нисбатларда қўлланилмаслиги, ғаллани суғоришни ўз вақтида ва сифатли ўтказмаслик, касаллик ва зараркунандаларга ҳамда бегона ўтларга қарши ўз вақтида чоралар кўрмаслик, ғалла навларининг ҳосилдорлик имкониятидан тўла фойдалана олмаслик дон сифатининг пасайишига олиб келмоқда.

Бошоқли дон экинларини парваришlashда қўлланиладиган агротехник тадбирларнинг бажарилишининг технологик талабларига тўла риоя қилингандагина янада юқори ва сифатли дон ҳосили олишга эришилади.

Умуман олганда ғалла ҳосилдорлиги тупроқ-иқлим шароити, экилаётган нав хусусияти, қўлланилаётган агротехник тадбирларга боғлиқ. Бошоқли дон ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифатига таъсир этувчи агротехник тадбирлардан ҳар бир минтақанинг тупроқ ва иқлим шароитига мос нав танлаш, ерни экишга сифатли тайёрлаш, наводор ва экиш сифати юқори уруғлик билан минтақа учун мақбул муддат ва меъёردа экиш, экилган уруғликни бир текисда ундириб олиш, буғдой майсалари тўла тупланган ҳолда тиним даврига кириши учун барча агротехник тадбирларни ўтказиш, суғориш, маъдан ва органик ўғитлар билан озиклантириш, ўсув даврида илдиздан ташқари азотли ўғитлар билан озиклантириш суспензия сепиш, бегона ўтлар касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш, етиштирилган ҳосилни нобутгарчиликсиз йиғиб олишга боғлиқ.

Юқорида келтирилган бошоқли дон экинларини етиштириш технологиясидаги агротехник тадбирларни мақбуллаштирилган ҳолда ўз вақтида сифатли қилиб ўтказилиши ҳосилдорлик ва дон сифатини оширади. Буларни бажарилишидаги технологик талаблар:

1. Ерни экишга тайёрлаш

А). Очиқ ер майдонларини экишга тайёрлаш

- Фосфорли ва калийли минерал ўғитларнинг йиллик меъёрини ерни экишга тайёрлашдан олдин солиш
- Ерни шудгорлаш (35-40 см)
- Текислаш
- Мола босиш
- Шўр ювиш
- Тўлиқ карта ҳосил қилиш

Б). Ғўза қатор орасига буғдой экиш учун ер тайёрлаш

- Ғўза экилган майдон қирғоқларини 10-15 метр масофада ғўзапоядан тозалаш
- Фосфорли ва калийли минерал ўғитларнинг йиллик меъёрини сепиш
- Культивация ёрдамида ғўза қатор оралиқларини 14-15 см. чуқурликда юмшатиш
- Биринчи культивацияни тўлиқ майда ишчи органлар билан амалга ошириш
- Иккинчи культивацияни майда ишчи органлар билан биргаликда бритвалар ёрдамида амалга ошириш
- Қатор орасига ишлов берилганда ишчи органларни ғўза ўсимлигидан 3-4 см. масофада амалга ошириш

2.Нав танлаш

Бошоқли дон экинларида юқори ва сифатли дон етиштиришда навнинг ўрни катта. Энг яхши нав танлаш ҳисобида ҳосилдорликни гектаридан 5-10 центнерга ошириш мумкин.

Эртапишар навлар – Чиллаки, Бобур, Марс-1, Андижон-4, Замин-1, Кума, Есаул, Омад, Матонат, Селянка.

Ўртапишар навлар – Крошка, Таня, Память, Нота, Краснодарская-99, Андижон-2, Москвич, Купава, Никония.

Кечпишар навлар – Половчанка, Андижон-1, Дурдона, Восторг, Фортуна.

3-жадвал

Экиш муддатларини тўғри белгилаш

Т.р.	Минтақалар	Мақбул экиш муддатлари
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1.IX.-1.X.
2	Андижон вилояти	15.IX.-20.X.
3	Бухоро вилояти	15.IX.-20.X.
4	Жиззах вилояти	15.IX.-20.X.
5	Қашқадарё вилояти	15.IX.-20.X.
6	Наманган вилояти	15.IX.-20.X.
7	Навойи вилояти	15.IX.-20.X.
8	Самарқанд вилояти	15.IX.-20.X.
9	Сирдарё вилояти	15.IX.-20.X.
10	Сурхондарё вилояти	15.IX.-20.X.
11	Тошкент вилояти	15.IX.-20.X.
12	Фарғона вилояти	15.IX.-20.X.

13	Хоразм вилояти	1.IX.-1.X.
----	----------------	------------

4. Экиш меъёрларини белгилаш

- Экиш меъёри уруғ унувчанлиги ҳамда 1000 дон дон вазнини ҳисобга олган ҳолда белгиланади
- Экиш муддатига қараб:

Эрта муддатларда гектарига 4,0 млн унувчан уруғ яъни 200 кг. ҳисобида белгиланади.

Ўрта муддатларда гектарига 4,5 млн унувчан уруғ яъни 220 кг. ҳисобида белгиланади.

Кечки муддатларда гектарига 5,0 млн унувчан уруғ яъни 240 кг. ҳисобида белгиланади.

- Ғўза қатор орасига экишда уруғ сарфи 10-15 фоизга оширилади.

4-жадвал

Экиш меъёрини аниқлашда қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин,
гектарига кг. ҳисобида

1000 дон доннинг вазни, гр.	Гектарига 3 млн, ёки 1 кв.м.да 300 дон уруғ	Гектарига 4 млн, ёки 1 кв.м.да 400 дон уруғ	Гектарига 5 млн, ёки 1 кв.м.да 500 дон уруғ	Гектарига 6 млн, ёки 1 кв.м.да 600 дон уруғ
38	114	152	190	228
39	117	156	195	234
40	120	160	200	240
41	123	164	205	246
42	126	168	210	252
43	129	172	215	258
44	132	176	220	264
45	135	180	225	270
46	138	184	230	276
47	141	188	235	282
48	144	192	240	288
49	147	196	245	294
50	150	200	250	300

Ғаллачиликда ҳам ўтган йилларда бир қатор ютуқларга эришилди. Жумладан, ялпи ҳосил 2004 йилда 4 млн 985 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 1 млн 221 минг тоннага ошиб, 6 млн 171 минг тоннани ташкил этди ёки шу йиллар давомида 21,7 фоизга ортди. 2004-2009 йиллар давомида ғалла ҳосилдорлиги 9 центнерга ортиб, 51,2 центнерни ташкил қилди.

Дунёда пахтачилик билан шуғулланувчи мамлакатлар анчагина. Ўзбекистон эса уларнинг орасида энг шимолий минтақада жойлашган. Шундай бўлса-да, мамлакатимиз «оқ олтин» етиштириш бўйича жаҳонда олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради.

Очиғи, бу мақомга эришиш ва уни барқарор сақлаб туриш бугунги рақобат тобора кескинлашиб бораётган шароитда осон эмас. Мазкур жараёнда, табиийки, республикамызда пахтачилик тармоғини янада ривожлантириш мақсадида тизимли ислохотлар изчил амалга оширилаётгани, хусусан, деҳқон ва фермерлар меҳнати муносиб қадрланаётгани муваффақиятлар омили бўлаётир. Шу билан бирга, юртимизда пахтачилик бўйича бой тажриба тўплангани, фермерлар ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилгани туфайли, табиат инжиқликларига қарамай, ҳар йили мўл ва сифатли ҳосил олишга эришилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқлим ва тупроқ шароитига мос тезпишар ҳамда серҳосил, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундалари ва касалликларга чидамли ўнлаб янги ғўза навлари яратилди. Хусусан, бугунги кунда асосий майдонларда С-6524, «Бухоро—6», «Бухоро—102», «Наманган—77», «Ан-Боёвут—2» сингари шундай хусусиятларга эга пахта етиштирилмоқда. Уларнинг толаси саноатбоплиги эса ўзбек пахтасининг мавқеи янада юксалишини таъминламоқда. Гап шундаки, толамизнинг оппоқ ранги, пишиқлиги, микронейр кўрсаткичлари устунлигига халқаро экспертлар томонидан юқори баҳо берилган. Жаҳон тўқимачиларининг Ўзбекистонга интилиши, толамизни сотиб олишга катта умид боғлашининг сабаби шунда. Қолаверса, анъанавий ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ана шу масалаларнинг рўёбга чиқиши йўлида жаҳон пахта бозорининг муҳим воқеасига айланиб бораётир. Бунини ярмарканинг очилиш маросимида сўзга чиққан Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитасининг ижрочи директори Т.Таунсенд, «Cotton Outlook» халқаро агентлиги бош муҳаррири Р.Батлер, Хитой пахта уюшмасининг вице-президенти Ш.Жианвей, «Cotton Bangladesh» халқаро агентлигининг бош муҳаррири К.Ахсан, «Dubai Multi Commodities Center» ижрочи директори Д.Рутлеж ва бошқалар алоҳида эътироф этишди. Қувонарлиси, улар томонидан мамлакатимиз нафақат сифатли пахта етиштирувчи, балки хомашёни кафолатли равишда етказиб берувчи ишончли ҳамкор сифатида тан олинди.

Пахтачилик соҳасидаги агротехник тадбирларни *(бу тадбирлар асосан ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилма субъектлари томонидан амалга оширилади)* ўз муддатида бажарилмаслиги ёки айрим ресурсларни белгиланган меъёрларда берилмаслиги натижасида мумкин бўладиган нобудгарчиликлар миқдори ҳисоб китобларини келтириш мумкин, яъни:

- чигит экишни ўз муддатида ўтказилмаслиги, ғўзанинг кеч униб чиқиши ҳосилдорликни ўртача 3,4 ц/гача;
- шўрланган майдонларнинг шўрини ювмаслик ёки сифатсиз шўр ювиш 9,0 ц/гача;
- нам сақлаш учун бороналашни ўтказилмаслиги ўртача 3,4 ц/гача;
- чигит экишдан олдин тупроқнинг юмшатишмаслиги ўртача 2,8 ц/гача;
- чигит экишдан олдин мола билан текисламаслик эса 1,6 ц/гача;

- умумий чигит экишдан олдин майдондаги кесакларни майдалаб тупроқни экишга тайёрламаслик ўртача 8,8 ц/гача;
- чигит экишдан олдин минерал ўғитларни бермаслик 2,5 ц/гача;
- чигитни агротехник талаблар асосида сифатли тайёрламаслик 1,3 ц/гача;
- барча турдаги минерал ўғитлар беришни 1 июлгача тугатмаслик 10,3 ц/гача;
- ягонани кечикиб ўтказиш ёки чигитни қайта экиш ҳосилдорликни 2,2 ц/гача камайишига сабаб бўлади;
- бегона ўтлар тўлиқ тозаланса, ҳосилдорлик 3,6 ц/гача;
- пахта майдонларини ҳар 3 йилда жорий текислаш ўртача 6,6 ц/гача;
- ҳар гектар майдонга 12 тонна органик ўғитларни бериш ҳосилдорликни ўртача 2,1 ц/гача оширади.

Ҳисоб китоблардан кўриниб турибдики, пахтачилик умуман қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, энг аввало, фермер хўжаликларига инфратузилма субъектларининг самарали хизмат кўрсатиши ва таъминот корхоналари томонидан моддий ресурсларни ўз вақтида етказиб берилишига боғлиқ.

Ғалла етиштириш – ҳамма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосидир. Ғалла аҳолининг нон, макарон маҳсулотларига, нон маҳсулотларига бўлган талабларини қондирибгина қолмасдан, шунингдек, сут, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини ҳам белгилайди. Чунки, у хайвонлар ва паррандаларни ҳам муҳим озуқа билан таъминлайди. Ғалла озиқ-овқат, кимё, енгил саноатнинг қатор тармоклари учун хом ашё бўлиб хизмат қилади. У давлат нон маҳсулотлари ресурсларини яратиш ва янгилашда ҳам зарур, муҳим экспорт маҳсулоти ҳамдир.

Ғаллани барқарор етиштириш илғор технологияларни жорий этмасдан, интенсификациянинг сифат жиҳатдан меҳнат, моддий ва энергия ресурсларидан, замонавий ўсимликларнинг биологик жиҳатдан ҳосилдор навларини асосланган, ҳосилдорлик салоҳиятига асосланган сифат жиҳатдан янги даражаларига ўтмай туриб эришиб бўлмайди.

Нон маҳсулотлари тайёрлашда буғдой (ғалла) таркибидаги шира, унинг сифати миқдори ўта муҳим аҳамиятга эга. Ғалла натураси ғалланинг 1 л массасида аниқланадиган тегирмон жиҳозлари партиясининг муҳим сифат кўрсаткичлари ҳисобланади. Буғдой дони 720 граммдан юқори натурада юқори технологик ҳоссага эга бўлади. Бу миқдордан паст бўлса, дон майдаланганда (тегирмонда) унча юқори сифатли бўлмаган ва кутилганидан кам ун беради. Доннинг ширалиги 50-60% бўлиши керак.

Ғалла ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичлари самарадорлиги қуйидагича: ғалла экинларининг ҳосилдорлиги, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот бирлиги таннархи ва ҳоказо. Президентимиз томонидан ғалла мустақиллигига эришиш вазифаси қўйилди ва бу вазифа шараф билан уддаланди.

3. Алмашлаб экишда тупроқ унумдорлигини ошириш ва иқтисодий баҳо бериш.

Кишлоқ хужалик корхоналарининг ер худудларини ташкил қилиш дейилганда ер майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади. Бу тизим кишлоқ хужалик корхоналарининг ташқи чегараларини, ички булимларининг чегараларини, кишлоқ хужалигига яроқли ерлар таркибини белгилаш ва ишлаб чиқариш марказлари, аҳоли яшайди-ган кишлоқлар, мелиорация ва йул шаҳобчаларини ҳамда бошқа коммуникацияларни жойлаштириш, хужаликни сув билан таъминлаш манбаларини аниқлаш тадбирларини ўз ичига олган. Кишлоқ хужалигида ер худудини ташкил қилиш, ер тузиш ишларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Давлат, ер тузиш ишларини ўтказиш орқали ер муносабатларини ҳал қилиш билан бирга ердан оқилона, унумли фойдаланиш тадбирларини ҳам белгилайди.

Ердан фойдаланишни ташкил қилишда қуйидаги шартларга қатъий риоя қилиш талаб этилади:

- ернинг давлат мулки эканлигини тула эътироф этиш ва ундан факат белгиланган мақсадлар учун фойдаланиш;

- ерни фойдаланувчиларга ўзок муддатга ёки бемуддат фойдаланишга бериб қуйиш орқали, ердан фойдаланишни доимийлигини таъминлаш, ер худудини тез-тез ўзгартириб турилишига йул қўймаслик;

- корхона ер худудини яхлит бир бутун ҳолатида ташкил қилиш, бир неча киём худудлардан иборат бўлишига иложи борича йул қўймаслик;

- корхона ери худудида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;

- корхонани аҳолига маданий-маиший хизматни яхшилаш нуқтаи назардан энг қул ай геометрик шаклда ўйштириш.

Кишлоқ хужалик корхоналарида юқорида келтирилган шартларга риоя қилган ҳолда ердан унумли фойдаланишни таъминлаш учун ички хужалик ер тузиш ишлари ўтказилади ва натижада қуйидаги асосий масалалар ҳал қилинади:

- ички булимларнинг ва фермерларнинг ер худуди ва уларнинг миқдори аниқланади;

- кишлоқ хужалигига яроқли ерлар аниқланиб, алмашлаб экиш тизими ташкил қилинади ва жойлаштирилади;

- хужалик ва булимларнинг марказий кургонларини ташкил қилиш ва жойлаштириш мулжалланади;

- йул шаҳобчалари, алоқа, электр ўзатиш линиялари ва бошқа коммуникацияларни жойлаштириш, сув таъминоти режалари аниқлаб олинади.

Кишлоқ хужалик корхоналарининг ер худудларининг таркиби доимий бўлмай вақт ўтиши билан ишлаб чиқарувчи қучларнинг ри-вожланиши таъсири ва талаби остида ўзгариб боради. Кишлоқ хужалигига яроқли ерлар бир турдан бошқа турга айланиб боради. ерларнинг бундай ўзгаришига ер трансформацияси дейилади. Кам унумли ерларнинг капитал сарфлар қилиш туфайли, юқори унумли ер турига айланиб боришига ернинг ижобий трансформацияси, ак-синча бўлса, ернинг салбий трансформацияси дейилади. Ҳозирги Ўзбекистон шароитида қурик ва буз ерларни ўзлаштирилиб уларга сув келтирилиши, сугориладиган экинзорга айлантирилиши ерларнинг ижобий трансформациясига яққол мисолдир. Ерларнинг ижобий трансформацияси деҳқончиликни ривожлантиришнинг объектив ва қрнуний жараёнидир.

Таҳлиллар шуни қўрсатадики Қашқадарё вилояти пахта ва ғалла етиштириш ва уларнинг сифат жиҳатидан яхшиланиши йилдан йилга яхшиланмоқда. Фермер хўжаликларида рақобат муҳитини шакллантиришда пахта ва ғалла етиштиришнинг ўртача сотиш баҳолари ҳамда уларга бўлаётган ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши таъсир қўрсатади (4-жадвал).

Таҳлиллардан кўриниб, турибдики пахта таннархини ташкил этувчи харажат элементлари ичида меҳнат ҳақи салмоқли ўринни эгаллайди. Бу сарф пахтанинг таннархи таркибида 2008 йилда 34,4 фоизни, 2009 йилда 35 фоизни, 2010 йилда 33 фоизни ташкил қилган. 2010 йилда 2008 йилга нисбатан 1,4 фоизга камайган. Пахта таннархи таркибида иккинчи ўринда минерал ўғитлар салмоғи эгаллайди. 2008 йилда 22,3 фоизни, 2009 йилда 20,0 фоизни, 2010 йилда 24,2 фоизни ташкил қилган. 2010 йилда 2008 йилга нисбатан 1,9 фоизга кўпайган. Пахта таннархи таркибида машина трактор паркидан фойдаланиш 2008 йилда 12,5 фоизни, 2009 йилда 11,0 фоизни, 2010 йилда 11,4 фоизни ташкил қилган. 2010 йилда 2008 йилга нисбатан 1,1 фоизга камайган.

Маҳсулот таннархини пасайтириш-ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишда асосий омилдир. Маҳсулот таннархи қанчалик паст бўлса, фермер хўжаликларнинг рентабеллик даражаси шунчалик юқори бўлади.

Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш учун қуйидагиларни тавсия этамиз:

- ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва ихтисослаштириш;
- ерлардан оқилона фойдаланиш ва дехқончилик экинлари ҳосилдорлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизацилаштириш ва автоматлаштириш;
- техникадан самарали фойдаланиш;
- меҳнатни илмий асосда ташкил этиш моддий манфаатдорликни ошириш;
- фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш нобудгарчиликка йўл қўймаслик ва бошқалар.

Вилоятда фермер хўжаликлари томонидан 2010 йилда 202,5 минг гектарга ғалла экилиб 859,0 минг тонна ғалла етиштириб олинди. Қашқадарё вилоятининг фермер хўжаликларида 2005-2010 йилларда жами даромаднинг йилдан-йилга ортиб борганлиги кўриниб турибди, вилоятнинг фермер хўжаликларида 2005-2010 йилларда ғалла таннархининг йилдан-йилга ортиб борганлигини ишлаб чиқаришнинг тобора қимматлашиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Ана шу вазиятни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва давлат ҳар йили ғалланинг харид қилиш баҳоларини ошириб келаяпти. Масалан, Қашқадарё вилоятида етиштирилган бир тонна ғаллани харид қилиш баҳоси 2005 йилда 91,7 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2007 йилда 167,6 минг сўмни ва 2010 йилда 224,5 минг сўмни ташкил қилган. Кейинги олти йил ичида 244,8 фоизга оширилган. Шу даврда бир тонна ғаллани ишлаб чиқариш харажатлари эса 240,4 фоизга ошган.

Қашқадарё вилоятининг фермер хўжаликларида пахта етиштириш, сотиш харажатларининг даражаси ва таркибининг ўзгариши⁴.

№		Ўлчов бирлиги	Йиллар						2010 йил 2008йилга нисбатан ўзг. (+; -)	
			2008		2009		2010			
			1 тоннага минг сўм	% ҳисобида	1 тоннага минг сўм	% ҳисобида	1 тоннага минг сўм	% ҳисобида	1 тоннага минг сўм	% ҳисобида
I	Жами харажатлар	Сўм	337,7	100,0	464,9	100,0	520,0	100,0	+182,3	100
	Шу жумладан:									
1.1	Иш ҳақи	Сўм	116,2	34,4	162,7	35,0	171,6	33,0	+55,4	+1,4
1.2	Уруғлик	Сўм	25,7	7,6	27,9	6,0	43,7	8,4	+18,0	+0,8
1.3	Минерал уғитлар	Сўм	75,3	22,3	93,0	20,0	125,8	24,2	+50,5	+1,9
1.4	Захарли химикатлар	Сўм	6,8	2,0	4,6	1,0	5,2	1,0	-1,6	-1,0
1.5	Ёқилғи мойлаш материаллари	Сўм	53,4	15,8	97,6	21,0	74,9	14,4	+21,5	+1,8
1.6	МТПФ	Сўм	42,2	12,5	51,1	11,0	59,3	11,4	+17,1	-1,1
1.8	Электр энергияси	Сўм	3,4	1,0	4,6	1,0	6,8	1,3	+3,4	+0,3
1.9	Ягона ер солиғи	Сўм	xxx	xx	13,9	3,0	15,9	3,0	+15,9	+3,0
1.10	Бошқа харажатлар	Сўм	14,7	4,4	9,3	2,0	17,1	3.3	+2,4	-1,1
II	Ҳосилдорлик	ц/га	26,0	xxx	23,4	xxx	25,8	xxx	-0,2	xxx
III	Сотиш боҳаси	Сўм	465,8	xxx	541,7	xxx	640,0	xxx	+174,2	xxx
IV	Жами моддий харажатлар	Сўм	221,5	65,6	302,2	65,0	344,8	66,3	+123,3	-0,7
V	Рентабеллик даражаси	%	37,9	xxx	16,5	xxx	25,9	xxx	0,68 марта камайган	xxx

⁴ Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида фермер хўжаликларини ривожлантириш қонуниятлари асосида хўжалик юритиш механизми йўналишларини такомиллаштириш рақобат муҳитини шакллантириш имкониятини яратади.

Рақобатнинг моҳияти истеъмол бозорида сотувчилар сонининг кўп бўлишида, уларнинг ҳар бири савдога чиқарилган жами таклиф ҳажмининг жуда оз қисмини ташкил этишда ва шунинг учун ҳам амалда таклифга таъсир

ўтказа олмаслиғидир. Иқтисодий жиҳатдан асосланган рақобат муҳитида рақиблик қилиш иқтисодий бирликларга ўзларининг шахсан кўрадиган манфаатларини кўпайтириш учун бир-бирини хароб қиладиган даражада зарар етказишларига тўсқинлик қилади.

Рақобат сотувчига ҳам ўз манфаатларини руёбга чиқариш имкониятини беради. Рақобат бозор иқтисодиётида амалга оширилиши мумкин бўлган асосий кучдан иборат. Соф рақобат муҳитини яратиш ва уни шакллантиришга таъсир этувчи қуйидаги омилларни тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ:

1. Ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд ресурслар сарфланадиган реал ҳажми ва қисмининг таҳлили.
2. Қайси турдаги товарлар ёки кўрсатиладиган хизматлар жамиятнинг моддий эҳтиёжини юқори даражада таъминланишини аниқлаш.
3. Ишлаб чиқаришни рационал ташкил этиш ва интенсив технологияларни қўллаш имкониятларини излаш.
4. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни яқка тартибдаги эҳтиёжлар ўртасида тақсимланиш тартибини белгилаш.
5. Истеъмол талаби, ресурсларни етказиб бериш ва ишлаб чиқариш технологиясида ўзгаришлар содир бўлганида тизим фаолиятига жорий эта олиш.

4. Алмашлаб экишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

Экин майдонлар таркиби деб, жами экин майдонида, айрим турдаги экинлар майдонининг тутган салмоғига айтилади. Экин майдонлар таркиби факат агротехник тадбир булиб колмай, балки энг мухим ташкилий - иқтисодий тадбир ҳамдир. Экин майдонлари-нинг таркиби куйидаги талабларга жавоб бериш лозим: 1) тупрок 162

унумдорлигини баркарор ошириш; 2) корхонанинг узаро мақсадга мувофиқ уйғунлаштириш. Шунинг учун экин майдонлари самарали таркибининг асосий вазифаси:

а) экинзорларнинг юкори унумдорлигига эришиш;

б) кишлок хужалик махсулотларини сотиш буйича шартнома ва буюртма топширикларини бажариш;

в) хужалик ички эҳтиёжларини қрндириш учун зарур миқдорда махсулот етиштириш ва унинг юксак даромадлилигини таъминлаш-дан иборатдир. Кишлок хужалик корхоналарида экин майдонлари талабига кура алмашлаб экиш тизими белгиланади.

Алмашлаб экиш дейилганда, экинларнинг йиллар давомида маълум - далаларда режали тартибда навбати билан алмашлаб тури-лишини ташкилий-иқтисодий жихатдан асослаш тушунилади. Алмашлаб экиш кенг маънода деҳқончилик маданиятини асосини ташкил қилади. У ҳам агротехник ҳам ташкилий-иқтисодий тадбир-ларни уз ичига олади. Ташкилий-иқтисодий жихатдан алмашлаб экиш ердан, ишлаб чиқариш воситаларидан ва иш кучларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг энг асосий шарти, корхона фао-лиятини даромадли булишининг негизидир.

Агрономия нуктаи назардан экинларни режали тартибда навбат билан алмаштириб туришнинг зарурлиги куйидаги сабаблардан ке-либ чиқди. Турли хил усимликларда илдиз тизими турлича чуқурликда жойлашади. Шунинг учун илдизларнинг тупрокни хар хил чуқурлигида булган, очик майдонлардан фойдаланиши ҳам турлича булади. Маълумки, ер майдонига сурункасига бир неча йил, бир хил экин экилаверса ер кучеизланиб қолади, далани бегона-утлар босади, хар хил касалликлар ва зараркунандалар купаяди, пи-ровард натижага тупрок таркибида микробиологик жараён ёмонла-шади. Турли хил усимликлар, тупрок унумдорлигининг ошишига турлича таъсир курсатади. Чунки, хреил йиғиштириб олингандан сунг тупрокда турли миқдорда илдиз массаси қолади. Булар тупрокда озик моддалари туплаб, чириганидан сунг кимматли органик угитга айланади. Демак, улар тупрокни озик моддалари билан бойитишдан ташқари унинг механик ва физик хоссасини ҳам яхши-лайди. Кишлок хужалик корхоналарида алмашлаб экиш маълум ти-зимда лойихалаштирилади.

Алмашлаб экиш асосан уч типга булинади:

1. Далачилик;
2. Ем-хашак (ферма олди);
3. Махсус.

1. Далачилик алмашлаб экиши, энг куп тарқалган булиб, дон экинлари, картошка, лавлаги, мойли, техник ва бошка дала экинлари етиштиришда кулланилади. Бу тип асосан экинга қараб дон, лавлаги, пахта, беда ва х.к. алмашлаб экишларига булинади.

2. Ем-хашак типигаги алмашлаб экиш, чорвачиликнинг зарур озика талабини қондиришга йуналтирилган булиб, хар хил озика экинларини етиштириш учун мулжалланади. Ем-хашак экинлари алмашлаб экишда озикабоп экинлар жами экинзорнинг ярмидан купрогини ташкил қилади. Ферма - олди ем-хашак алмашлаб экишда кук утлар, ширали озикалар етиштириш асосий уринни эгаллайди ва чорвачиликда йил давомида "Яшил конвейр"ни ташкил қилишнинг асоси хисобланади.

3. Махсус алмашлаб экишда, сабзавот экинлари, тамаки, махорка ва бошка техника экинлар етиштирилади. Махсус алмашлаб экиш махсус шароит ва агротехникани талаб қилади.

Масалан, шурланган ерларни мелиорациялашда кулланиладиган алмашлаб экиш, шолчилик алмашлаб экиши ва х.к.

Урта Осиёнинг сугориладиган ерларида гуза асосий экин хисобланади. Шунинг учун сугориладиган умумий майдонининг ка-мида 65-70 фоизини гуза, қолган 30-35 фоизини ем-хашак, озик-овқат экинлари ташкил этиши керак. Ем-хашак экинларни ичида беда, йунгичка етакчи уринни эгаллайди.

Кишлок хужалик махсулотлари етиштириш турли зоналарда ва хатто бир корхонада турли тупрок шароитларида олиб борилганлиги учун сурункасига мул ва арзон махсулот етиштиришни таъминлаш учун хатто бир корхонада алмашлаб экишнинг турли шакллари - схемалари кулланилиши мумкин. Пахтакор хужаликлари учун (5:4)=9 далали (3:6), 10

далали (3:7) ва 12 далали (3:9) алмашлаб экиш схемалари тавсия этилган. Бу алмашлаб экиш схемаларида уч далани беда ва олти далани пахта эгаллайди. Беда биринчи йили маккажухори, ок жухори, судан утига, кук озика ёки дон учун эса арпага кушиб экилади.

Ердан янада самарадорлик билан фойдаланиш учун беда экила-диган биринчи далага кузги бошокли дон, унинг урнига силос учун маккажухори экиш, хрсилни йигиштириб олиш биланок сентябр-ок-тябр ойларида учинчи - асосий экин сифатига беда экиш ҳам мумкин. Бунда схема (1:2:6), (1:2:7) куринишда булади ва иккинчи, учинчи йиллари беда устирилади. Алмашлаб экишда далаларни тугри режалаштиришга, уларнинг хажмини, техникадан ва иш кучларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган булишига эътибор бериледи.

Хар бир кишлок хужалик корхонасида алмашлаб экишнинг маълум тизими кулланилади. Экинлар далаларда схемада белгиланган тартибда тула жойлашиб булгандагина алмашлаб экиш узлаштирилган хисобланади. Экинларни алмашлаб экиладиган далаларда белгиланган тартибда бир марта алмашиб чикиш даври **ротация даври** дейилади. 9 далали алмашлаб экиш схемасида бир ротация даври 9 йилга тенг булади.

Алмашлаб экишга иктисодий жихатдан бахр беришда куйидаги курсаткичлардан фойдаланилади:

- алмашлаб экиш жорий этилган майдонинг хар бир гектари-дан олинадиган махсулот микдори (натура ва пул ифодасида);
- меҳнат унумдорлиги даражаси;
- махсулот таннарни ва рентабеллиги;
- ишлаб чиқаришнинг даврийлик даражаси ва даврлар буйича меҳнат харажатларининг таксимланиши;
- алмашлаб экишнинг у ёки бу схемасини узлаштириш ва куллаш билан боғлиқ булган капитал сарфлари ва уларни коплаш муддатлари.

Корхонанинг истикбол ва йиллик режаларини ҳамда фермер ва оила пудрати жамоалари учун ички хужалик хисоби топши-риқларини тузишда, асосий курсаткич кишлок хужалик экинлари хосилдорлигини рел<алаштиришдир.

Экинлар хосилдорлигини режалаштириш энг мураккаб ва шу билан бирга энг асосий ва зарур курсаткич хисобланади. Чунки хрсилдорлик, ишлаб чиқаришнинг барча узига хос булган хусусият-ларини, уларни экинга таъсирини узида мужассамлаштиради. Ишлаб чиқаришнинг айрим омиллари, экинлар хрсилдорлигига бевосита таъсир этса ва бу таъсирни маълум даражада микдор жихатдан хисоблаш имконияти булсада (минерал ва органик угитлар, сув таъминоти, ернинг захини кочириш, янги нав уруглик, чукур шудгор килиш ва х.к.), лекин бошқалари, экинлар хрсилдорлигига билвосита таъсир этганлиги учун уларнинг таъсирини бевосита микдор жихатдан хисобга олиш анча кийин (меҳнатни ташкил килиш, меҳнатга ҳақ тулаш, ишларни уз вақтида утказиш ва х.к.).

Бундан ташқари хосилдорликка таъсир этувчи омилларнинг хар бири, узи алоҳида таъсир этмасдан, балки узаро боғлиқ ва бир-би-рини тулдирган ҳолда таъсир этгандагина юқори натижа беради.

Бунда энг асосий ҳал қилувчи омил меҳнатдир. Бошқа ҳамма омиллар шу меҳнатнинг унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Шуни назарда тутиш керакки, экин ери учун сарфланган меҳнатнинг унумдорлигига, яъни экинларнинг хрсилдорлик даража-сига, табиий шароитлар ва омиллар ҳам катта таъсир курсатади. Бу ҳол экинлар хосилдорлигини режалаштиришда бир йиллик натижа билан чекланиб қолмай, балки камида беш - олти йиллик уртача да-ражага асосланиши талаб қилинади. Режалаштириладиган хосилдорлик қанча узок муддатга хисобланадиган булса, эришиладиган уртача хрсилдорлик даражаси учун шунча узок муддатни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил қилиш орқали уртача хрсилдорлик ҳамда, уртача йиллик узиш суръатлари аниқланади. Қабул қилинган ёки эришилган уртача йиллик узиш суръатига қура, маълум истикбол йил учун хрсилдорлик режалаштирилади.

Экинлар хосилдорлигини унга таъсир этувчи энг асосий омил-ларни хисоблаб чиқиб орқали режалаштириш мумкин. Бунда таъсири аниқланадиган омилдан бошқалари, бир хил узгармайдиган булиши керак. Шундан таъсири хисобланадиган омилларга: минерал ва органик угитларни куллаш, янги уруглик навлари, сув таъминоти меҳнатни ташкил этиш ва ҳрқазолар қиради. Илмий тадқиқот инсти-тутлари маълумотларига қура деҳқончиликда экинлар хрсилдор-лигининг узишининг 50 фоизи минерал угитлар хиссасига тугри ке-лар экан. Пахтачиликда, ернинг табиий унумдорлиги гектар бошига, уртача 12-14 центнер хрсил олишни таъминлайди. Қолган хрсил, яъни қушилган хрсил ерга қушимча меҳнат ва маблаг

сарфлаш на-тижасида меҳнат унумдорлиги ошиши ҳисобига етиштирилади. Ҳақиқатда сарф килинган соф миқдордаги угитнинг бир бирлигига етиштирилган ҳрсилнинг миқдори аниқлаб олингандан кейин уни режалаштирилган кушимча $u^{ит}$ сарфига қупайтириш орқали кушимча олинadиган ҳосил миқдори аниқланади.

$$X_{реж} = X + U_k; + K_x = 30,0 + 0,2 \times 18 - 30,0 + 1,6 = 31,6 \text{ ц/га}$$

Бунда: $X_{реж}$ - режалаштирилган ҳосилдорлик, ц /га; X - эришилган уртача ҳосилдорлик, ц /га; U_k - кушимча угит сарфлаш меъёри, ц;

K_x - угит сарфлаш натижасида меҳнат унумдорлиги ошувчи ҳисобига олинadиган ҳрсил коэффициенти.

Хулоса ва таклифлар

Хар бир кишлок хужалик корхонасида алмашлаб экишнинг маълум тизими кулланилади. Экинлар далаларда схемада белгиланган тартибда тула жойлашиб булгандагина алмашлаб экиш узлаштирилган ҳисобланади. Экинларни алмашлаб экиладиган далаларда белгиланган тартибда бир марта алмашиб чиқиш даври *ротация даври* дейилади. 9 далали алмашлаб экиш схемасида бир ротация даври 9 йилга тенг булади.

Алмашлаб экишга иқтисодий жихатдан бахр беришда қуйидаги курсаткичлардан фойдаланилади:

- алмашлаб экиш жорий этилган майдонинг хар бир гектари-дан олинадиган махсулот миқдори (натура ва пул ифодасида);
- меҳнат унумдорлиги даражаси;
- махсулот таннарни ва рентабеллиги;
- ишлаб чиқаришнинг даврийлик даражаси ва даврлар бўйича меҳнат харажатларининг тақсимланиши;
- алмашлаб экишнинг у ёки бу схемасини узлаштириш ва куллаш билан боғлиқ булган капитал сарфлари ва уларни коплаш муддатлари.

Корхонанинг истикбол ва йиллик режаларини ҳамда фермер ва оила пудрати жамоалари учун ички хужалик ҳисоби топши-риқларини тузишда, асосий курсаткич кишлок хужалик экинлари ҳосилдорлигини рел^алаштиришдир.

Экинлар ҳосилдорлигини режалаштириш энг мураккаб ва шу билан бирга энг асосий ва зарур курсаткич ҳисобланади. Чунки ҳрсилдорлик, ишлаб чиқаришнинг барча узиға хос булган хусусият-ларини, уларни экинға таъсирини узида мужассамлаштиради. Ишлаб чиқаришнинг айрим омиллари, экинлар ҳрсилдорлиғига бевосита таъсир этса ва бу таъсирни маълум даражада миқдор жихатдан ҳисоблаш имконияти булсада (минерал ва органик угитлар, сув таъминоти, ернинг захини қочириш, янги нав уруглик, чуқур шудгор қилиш ва х.к.), лекин бошқалари, экинлар ҳрсилдорлиғига билвосита таъсир этганлиғи учун уларнинг таъсирини бевосита миқдор жихатдан ҳисобға олишға анча қийин (меҳнатни ташкил қилиш, меҳнатға ҳақ тулаш, ишларни уз вақтида утқазиш ва х.к.).

Шу билан бирға қитшлоқ хўжалиғи ерларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиғини оширишда қуйидаги тадбирларни ам алға ошириш мақсадға мувофиқ:

- ерлар шўрланиш даражасининг ошиб бориш ва ер ости сувларни кўтарилишиға экинлар таркиби такомиллашмаганлиғи:

- шўрланган ерлар самарадорлиғини оширишнинг тўртта йўналиши иқтисодий, технологик, экологик ва ижтимоий тадбирлар бир-бириға боғлаб олиб борилганда самара бериши мумкин;

- ерни иқтисодий баҳолашда ялпи махсулот қийматини ёки соф даромадни зарурий харажатларға нисбатан самарадорлиғини аниқлаш тўғри ҳулоса чиқариш учун имконият бермайди. Шунинг учун ерни қийматига қараб баҳолашда дифференциял ер рентами миқдорини ҳисоблашда асосий экинлар-пахта ва ғаллани асос қилиб олиш керак;

- ер ости сувлари яқин жойлашган ва такрорий шўрланишға мойил ерларда суғориш технологиясини такомиллаштириш зарур. Ерлар шўрини ювишда, шўр ювиш сони ва бериладиган сув ҳажми ҳамда муддатига қаттиқ риоя қилиш лозим;

- шўрҳақ ерлар самарадорлиғини ошириш учун катта инвестиция керак бўлади. Шунини ҳисобға олиб, инвестицияни жалб қилиш учун махсус бир неча комплекс муаммоларни ўз ичига олган лойиҳалар тайёрлаш ва вилоятда етиштирилаётган пахта толасини 20-25 фоизини мелиорация ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ажратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрирда)// Халқ сўзи. – 15 октябр 2004 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар.- Т.:Ўзбекистон. 1992. – 19 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”// Ж. Солиқ тўловчи журнали. 1998. № 7 – 8. – 12 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. //Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм. – Т.: Шарқ 1998.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 6 июн 1998 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони. // Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари.– Т.: Фан. 2003. – 7б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони. // Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т.: Фан. 2003. – 12 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли қарори.// Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т.: Фан. 2003. – 41 б.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
11. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Т: Янги аср авлоди, - 2004. – 143 б.
12. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси. 2004.- 304 б.
13. Ergashev R.X. Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti. Darslik. Т.: Extremum Press, 2011. – 416 b.
14. Салимов Б.Т. ва б. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси. 2004.–10б.
15. Хамраева С.Н. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари. Т.: Фан ва технология, 2010, - 148 б.
16. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси ҳисоботлари.
17. Қашқадарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳисоботлари.
18. <http://www.ziyounet.uz>
19. <http://www.gov.uz>
20. <http://tdiu.uz>
21. <http://www.fermer.uz>
22. <http://www.stat.uz>